



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ
БУЙРУҒИ

2022 йил 14 сентябрь

163-сонли

Тошкент в.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори ижросини
таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 829-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН

1. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва тизим ташкилотларида мумкин бўлган қонунбузарликлар, шу жумладан, ахлоқий ва коррупция ҳақида куйидаги алоқа каналлари орқали маълумот берилиши таъминлансин:

- ишонч (99871-207-88-77; 99871-263-06-33) телефонлари орқали;

- antikor@ormon.uz электрон почта манзили орқали;

- қўмитанинг расмий веб-сайти орқали;

- почта орқали:100163, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 2-уй;

- тўғридан-тўғри Комплаенс назорат хизматиغا;

- бевосита қўмита раисига.

2. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш масаласини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузурида тузилган Ишчи гуруҳ таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантиришда куйидагилар Ишчи гуруҳнинг асосий вазифалари ҳисоблансин:

-жамятда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш;

-коррупцияга оид жинойтларнинг барвақт профилактикасини таъминлаш, унга имкон бераётган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш;

-ходимларнинг коррупцияга қарши курашишдаги фаоллигини янада ошириш ҳамда уларни ушбу соҳага кўшаётган ҳиссаси учун муносиб тақдирлаш.

4. Ишчи гуруҳ томонидан рағбатлантириш қонунийлик, адолатлилик, холислик, ошкоралик, ходимларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда уларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш ва ҳоҳиш-истакларини ҳисобга олиш принциплари асосида амалга оширилсин.

5. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахслар қуйидаги асослардан бири мавжуд бўлганда бир марталик пул мукофоти, ташаккурнома ёки эсдалик совға шаклида рағбатлантирилади:

-ходимлар томонидан ўзларига нисбатан пора беришни таклиф қилган шахс ҳақида ёки ўзларига маълум бўлган коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида берган хабари асосида бундай ҳуқуқбузарликни фош этилиши;

-нодавлат тижорат ташкилотининг ёки давлат муассасаларининг ёхуд фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органининг хизматчиси ўзига нисбатан пора беришни таклиф этган ёки талаб қилган шахс ҳақида берган хабари асосида ҳуқуқбузарликни фош этилиши.

6. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган ходимлар Ишчи гуруҳ ҳулосаси асосида қуйидаги миқдордаги бир марталик пул мукофоти ёки совға билан рағбатлантирилсин:

-коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳақида берилган хабар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг **уч баробари** миқдориди;

-коррупцияга оид жиноятлар ҳақида берилган хабар учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг **беш баробаридан йигирма беш баробаригача**;

- Коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш ва уни фош этишда аҳамиятга эга бўлган далиллар ҳақида коррупцияга қарши курашувчи органларга хабар берганлик ёки бундай тоифадаги жиноятларни тергов қилиш ёхуд тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда бевосита кўмаклашганлик учун ташаккурнома ёки қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **икки баробаригача** бўлган эсдалик совға билан рағбатлантирилади.

7. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва тизим ташкилотларида қонунбузарликлар ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан ишдан бўшатиш, лавозимдан тушириш, камситиш, таъқиб қилиш каби тазйиқларга йўл қўйилмасин ва тақдим этилган маълумотлар бошқа ходимларга ёки учинчи шахсларга уларнинг розилигисиз ошкор қилинмаслиги таъминлансин.

8. Девонхона (Очилов) ушбу буйруқ нусхасини қўмитанинг марказий аппарати бўлинмаларига ҳамда барча тизим ташкилотлари, ҳудудий бошқармалар ва хўжаликларга юборилишини таъминласин.

9. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш раис ўринбосари Ш.Усмонов зиммасига юклатилсин.

Раис



NUSXASI ASLIGA TO'G'RI

Н.Бакиров

Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси раисининг
2022 йил “14” сентябрдаги
163 - сонли буйруғига илова

**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар берган шахсларни
рағбатлантириш бўйича Ишчи гуруҳ**

ТАРКИБИ

- Н.Бакиров** - Раис,
ишчи гуруҳ раҳбари
- Ш.Усмонов** - Раис ўринбосари, ишчи
гуруҳ раҳбари ўринбосари

Ишчи гуруҳ аъзолари:

- Р.Сулаймонов** - Бошқарма бошлиғи
- О.Хўжаев** - Бошқарма бошлиғи
- У.Рўзиев** - Бўлим бошлиғи
- К.Холматов** - Бўлим бошлиғи
- Х.Поянов** - Бош мутахассис